



On the nonverbal expression of emotionality in phraseology (based on the French language materials)

Laylo DOLIEVA¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023

Received in revised form

10 June 2023

Accepted 25 July 2023

Available online

15 July 2023

Keywords:

kinesics,
paralinguistics,
nonverbal communication,
gestures,
nonverbal phraseological
units,
emotional feelings,
facial expressions,
emotional opposition,
poly/monoemotionality.

ABSTRACT

This article described that “language-paralinguistics-kinesics” is an inseparable system through the research of non-verbal communication issues and means of expression of non-verbal semiotics. Nonverbal features of French phraseology in emotional communication are also realized through hand movements (gesticulation), eye contact (visualization), facial expression (mimicry), skin reaction (haptics), body movement (pantomimics), and paralinguistic and extralinguistic means and explained with specific examples. At the same time, some unique lexical and stylistic features of non-verbal phraseological units resulting from the harmony of human inner experience and the semantic world of humans are revealed.

2181-3701/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss4-pp19-28>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Фразеологияда Эмоционалликнинг новербал ифодаланишига доир (француз тили материалида)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

кинесика,
паралингвистика,
новербал мулоқот,
имо-ишоралар,
новербал ФБлар,
эмоционал ҳис-туйғулар,
мика,
эмоционал оппозиция,
поли/моноэмоционалик.

Мазкур мақолада новербал мулоқот масалаларининг тадқиқ этилиши ва унда новербаллик семиотикасининг ифодаланиш воситалари орқали “тил-паралингвистика-кинесика”нинг ажралмас тизим эканлиги тавсифланган. Шунингдек, француз фразеологиясининг эмоционал мулоқотдаги новербал хусусиятлари кўл ҳаракати (*жестикуляция*), кўз контакти (*визуализация*), юз ифодаси (*мика*), тери реакцияси (*гаптика*), гавда ҳаракати (*пантомимика*) ҳамда *паралангвистик* ва *экстралингвистик* воситалар орқали амалга ошиши аниқ мисоллар билан

¹ Teacher, Samarkand State Institute of Foreign Languages. E-mail: ldoliyeva@mail.ru

изоҳланган. Шу билан бирга, инсонларга хос ички кечинма ва соматик дунёнинг уйғунлиги натижасида юзага келадиган невербал фразеологик бирликларнинг ўзига хос айрим лексик ва стилистик хусусиятлари очиб берилган.

О невербальном выражении эмоциональности во фразеологии (на материале французского языка)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

кинесика,
паралингвистика,
невербальная
коммуникация,
жесты,
невербальные
фразеологизмы,
эмоциональные
переживания,
мимика,
эмоциональная
оппозиция,
поли/
моноэмоциональность.

В данной статье рассматривается, как «язык-паралингвистика-кинесика» формируют неразрывную систему, обеспечивая полноту понимания невербальной коммуникации и средств невербальной семиотики. Анализируются невербальные аспекты французской фразеологии в эмоциональном общении, такие как жестикуляция, визуализация, мимика, гаптика, пантомима, а также паралингвистические и экстралингвистические средства. Исследование базируется на конкретных примерах и выявляет уникальные лексико-стилистические особенности невербальных фразеологизмов, возникающие из гармонии между внутренним переживанием человека и соматическим миром.

Новербал мулоқот ўзининг дастлабки вазибаларига кўра мулоқотда анча барқарор ва самаралилиги билан ажралиб туради. Бинобарин, бундай мулоқот тўғридан-тўғри қабул қилинади ва қабул қилувчига кучли таъсир кўрсата олади. Шунингдек, кишилар ўртасидаги турли муносабат ва ҳис-туйғуларнинг энг нозик белгилари, яъни сўз билан ифодалашга ноқулай ҳолатлар ҳам айнан шу новербал мулоқот воситалари орқали етказилиши ҳар томонлама анча қулай саналади.

Новербал мулоқот масалалари тадқиқи дастлаб Ч.Дарвиннинг 1872 йилда нашр этилган «*Выражение эмоции у животных и человека*» («Ҳайвон ва инсонларда ҳиссиётлар ифодаси») [Ч. Дарвин: 384] номли асари, шунингдек, 1886 йилда П. Монтегатссанинг юз ифодалари алифбосини тасвирловчи «*Физиогномия и выражение чувств*» («Физиогномия ва ҳиссиётлар ифодаси») [П. Монтегатсса: 204] номли классик асари орқали баён этилган. Бироқ тана аъзолари тилини маълум бир мақсадли тарзда ўрганиш XX-асрнинг 60-йилларида бошланган [Дж. Фаст: 212] ва новербал мулоқот асослари австралиялик олим Аллан Пиз томонидан асос солинган дунёдаги энг йирик марказ «*Пиз Трейнинг Корпорейшен*» марказида кенг қамровли тарзда тадқиқ этилган. Ҳозирги кунга келиб новербал мулоқотнинг визуал турларидан тортиб то просодик турларига қадар, ҳатто кийим-кечак, соч турмаги, атрофимиздаги нарсалар, биз учун одатий бўлган ҳаракатларнинг барчаси «*новербал мулоқот*» шакллари ҳисобланиб, ҳануз тилшунос, психолог, маданиятшунос, файласуф, социолог ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

Чунончи, профессор Ш. Сафаров таъкидлаганидек, биз бировга салом берар эканмиз, одоб нуқтаи назаридан қўлни кўксимизга қўйиб, бошни сал эгиб, таъзимга яқин ҳаракат қилиб саломлашамиз. Бу – ўзбек урф-одати. Шунда бу

нолисоний, моҳиятан этник-этнографик тамойиллар билан бирга, албатта, “Ассалому-алайкум!” лисоний ибораси ҳам ишлатилиши зарур. [Ш. Сафаров, Г. Тоирова: 5] Шундай экан, новербал ва вербал мулоқот ўзаро бир-бирини тўлдириб келиши ва мулоқотни янада тушунарли ҳамда ифодали тарзда қабул қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, новербал мулоқот вербал мулоқотдан фарқли ўлароқ, ўзининг аниқ белгиланган луғат таркибига эга эмаслиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам новербал мулоқотнинг айнан ўзига хос турли хил, хусусан, изоҳли, расмли, фразеологик ёки бошқа турдаги луғатларини яратиш масаласи ҳам тадқиқотлар объекти сифатида долзарб аҳамият касб этади.

Тилшунослик соҳасида новербал мулоқотга нисбатан турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, айрим тилшунослар томонидан ушбу мулоқот турининг умумлашган таснифий турлари ҳам қайд этилган. [М.А. Поваляева, О.А. Рутер: 4]: Масалан:

- *кинесика* – визуал мулоқот воситалари:
 - юз ифодаси – юз мушакларининг ҳаракати;
 - имо-ишора – алоҳида қисмларнинг имо-ишора ҳаракатлари;
 - пантомима – бутун тананинг ҳаракат кўникмалари (туриш ва юриш ҳаракати);
- *просодика* – акустик (товушли) мулоқот воситалари (ритмик-ифодавий нутқ);
- *такешика* – қўл сиқиш, ўпиш, тегиниш, силаш ва ҳоказо;
- *проксемика* – одамларнинг ўзаро мулоқотда масофада жойлашиши.

НOVERBAL мулоқот маълумотни узатиш жараёнида ички ҳис-туйғуларни ифодалашнинг асосий воситаларидан бири саналади. Бундан ташқари, новербал мулоқот шакллари вербал мулоқот шаклларига мос келмаган вазиятларда кишилар кўпроқ новербал шаклларга ишонишади. Улар ўртасидаги турли хил қарама-қаршиликлар таъсирида коммуникатив тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Мулоқот жараёнида ахборотни ифодалашнинг новербал воситалари анча муҳим саналади. “Улар мулоқот иштирокчиларининг атрофдаги дунёга, қолаверса, бир-бирига бўлган муносабатни билдиради, баёнотнинг маъносини таъкидлаш ёки аниқлаштириш имкониятини беради, суҳбатдошларнинг ниятларини тушунишга имкон беради, иштирокчиларнинг ҳис-туйғуларини ифода этади” [Ю.А. Карпова: 76]. Маълумки, мулоқотнинг энг қадимий усулларида бири ҳам имо-ишорадир. эмоционал нутқда унга ҳамроҳ бўлган имо-ишоралар кўпинча универсал хусусиятга эга бўлади.

Коммуникатив мулоқот жараёнида нутқни ифодалашнинг вербал ва новербал шакллари борасидаги илмий изланишлар ҳозирги замон тилшунослик масалалари орасида ўзига хос аҳамият касб этади. Айниқса новербал мулоқот шакллари ва уларни ифодалашнинг лисоний воситалари ҳамда уларга хос хусусиятлар этарлича тадқиқ этилмагани боис эмоционал мулоқот давомидаги новербал нутқни тасвирловчи лисоний воситалардан бири саналган фразеологик иборалар таҳлили ҳамон кўплаб илмий изланишлар объекти сифатида хизмат қилмоқда. Зеро, ҳис-туйғуни новербал тарзда ифодалаш жараёнида эмоционал ФБларнинг ҳам ўзига хослиги мавжуддир.

Эмоционал ФБлар таркибидаги турли хил (*мимика, имо-ишоралар, юриш* ва бошқа) маъноларни англатиб келадиган кинесикага доир турлари нутқда қўлланилиш ҳолатига кўра энг юқори частотага эгалиги билан ажралиб туради. Бундай турдаги ФБлар дастлаб, Г.Е. Крейдлин томонидан “*Имо-ишорали*

фразеология” ёки “Кинесик фразеология” тушунчаси орқали изоҳланган бўлиб, у “имо-ишора номининг ўзи аллақачон идиомадир, бу бундай иборанинг юқори даражадаги барқарорлиги ва идиоматиклиги билан боғлиқ”, деб таъкидлайди [Ю.Н. Куличенко: 2].

Новербал мулоқотни ўрганишнинг юқорида келтирилган лингвистик ва психологик ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда новербал фразеологияни ҳам тадқиқ этишнинг қуйидагича умумий таснифий хусусиятларини тавсия этиш мумкин: қўл ҳаракати (*жестикуляция*), кўз контакти (*визуализация*), юз ифодаси (*мимика*), тери реакцияси (*гаптика*), гавда ҳаракати (*пантомимика*), *паралингвистик* ва *экстралингвистик* воситалар. Агар ушбу масалага маълум бир тил, яъни француз тили фразеологияси нуқтаи назаридан ёндашилса, улардаги эмоционал ФБларга хос новербал ифода қуйидагича акс этади:

Новербал мулоқот воситалари	Французча мисоллар	Ўзбекча Талқини
Қўл ҳаракати (Жестикуляция)	<i>se mordre les doigts;</i>	<i>бармоғини тишламоқ; афсусланмоқ;</i>
	<i>se frotter les mains;</i>	<i>қўлини бир – бирига ишқаламоқ (хурсандлигидан);</i>
	<i>lever les bras au ciel;</i>	<i>қўлини осмонга қўтариб, илтижо қилмоқ;</i>
Кўз контакти (Визуализация)	<i>avoir les yeux de Chimène;</i>	<i>ошиқ бўлмоқ; шайдо бўлмоқ;</i>
	<i>faire les yeux;</i>	<i>кўзлари катта – катта бўлмоқ;</i>
Юз ифодаси (Мимика)	<i>rester bouche bée;</i>	<i>ҳайратдан оғзи очилиб қолмоқ; қўрқувдан қалтирамоқ; тишлари тақилламоқ;</i>
	<i>claquer des dents;</i>	
Тери реакцияси (Гаптика)	<i>rougir jusqu’aux oreilles;</i>	<i>қулоғигача қизариб кетмоқ;</i>
	<i>être blanc comme un linge;</i>	<i>докадек оқариб кетмоқ;</i>
Гавда ҳаракати (Пантомимика)	<i>avoir une boule dans la gorge;</i>	<i>жони халқумига келмоқ (қўрқувдан);</i>
	<i>couper bras et jambes à qn;</i>	<i>ҳаёжондан титроққа тушмоқ;</i>
Паралингвистик воситалар	<i>rugir comme un lion;</i>	<i>шердек ўқирмоқ;</i>
	<i>souffler comme un bœuf;</i>	<i>ҳўкиздедек бўқирмоқ;</i>
Экстралингвистик воситалар	<i>le sourire aux lèvres;</i>	<i>қулиб юборай демоқ;</i>
	<i>sourire jusqu’aux oreilles;</i>	<i>оғзи қулоғида бўлмоқ;</i>
	<i>esquisser un sourire.</i>	<i>пиқиллаб қула бошламоқ.</i>

Оғзаки мулоқотда коммуникатив ҳаракатларнинг аксарияти асосан, ҳиссий ҳолатларни ўз ичига олади. Уларнинг нутқий мулоқот сифатида қабул қилиниши хабарни, хатти-ҳаракат ёки инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш учун жуда муҳимдир [Р. Алтров:159]. Шу ўринда новербал воситаларнинг мулоқот жараёнидаги ўзига хос аҳамияти шубҳасиз, эътиборга моликдир. Қуйида новербал мулоқот воситалари ва уларни акс эттирувчи французча ФБлар хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Жестлар – бу бош, қўл, оёқ, юз ва тана мушаклари томонидан узатиладиган махсус сигнал тизими. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, биргина қўллар орқали 700дан ортиқ ҳаракатни амалга ошириш мумкин [В.А. Пронников, И.Д. Ладанов: 14]. Улар орасида эмоционал ҳис-туйғуларни ифодаловчи имо-

ишоралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Энг динамик орган ҳисобланган қўл орқали амалга ошадиган ҳамда эмоционалликни ёрқин намоён этувчи қуйидаги французча ФБлар *les doigts, les mains, les bras* соматизмлари ёрдамида ҳосил бўлган: *se mordre les doigts* – бармоғини тишламоқ; (афсусланмоқ) / *se froter les mains* – қўлини бир-бирига ишқаламоқ; (севинмоқ) / *lever les bras au ciel* – қўлини осмонга кўтармоқ; (хайратланмоқ;). – Бундан ташқари, бош орқали амалга ошадиган жестларни ифодаловчи ва ғамгинлик ёки уялиш тасвиридаги айрим ФБлар (*baisser la tête* – бошини эгмоқ;) ҳам мавжуд бўлиб, улар француз фразеолгиясида жуда саноқлидир. Жестлар ёрдамида ҳосил бўлган бундай ФБлар эмоционалликни намоён этувчи асосий фразеологик воситалардан бири саналади.

Визуализация – кўз билан мулоқот қилиш ҳолатларини ифодаловчи ФБлар “Кинесик фразеология”да бошқа новербал ФБларга қараганда анча кенг қўлланилади. Аниқланишича, одатда коммуникаторлар бир-бирининг кўзига 10 сониядан кўп бўлмаган вақт давомида қарай олади (В.А. Лабунская: 27). Шу қисқа вақт давомида ҳам кўз ва нигоҳлар ифодаси ўзига хос турли ҳиссий ҳолат, ички кечинма ва содир бўлаётган воқеага нисбатан муносабатларни англатиши мумкин. Бундай руҳий ҳолатни ифодалаш ва тасвирлаш учун француз тилида турли ФБлардан фойдаланилади. Қуйида кўз ва унинг эмоционал вазиятлардаги функционал ҳолатлар ҳамда унга доир фразеологизмлар борасида қисқача қуйидагича маълумот бериш мумкин:

Ҳис-туйғу турлари	Кўзларнинг (кўз атрофидаги аъзоларнинг) ҳолати	Визуализацион ФБлар:
Қувонч	Кўзлар порлайди, қошлар юқорига кўтарилади	<i>éclater de joie</i> – <i>ko'zlari quvonchdan porlamoq;</i>
Ғазаб	Кўзлар қисилган, қошлар чимирилган, пешонада ажин пайдо бўлади. Ғазаб жуда юқори даражага чиққанда кўзлар қизариши ҳам кузатилади.	<i>faire des yeux de basilic</i> – <i>ko'zlarni lo'q qilib qaramoq; nafrat bilan qaramoq;</i> <i>le sang aux yeux</i> – <i>qonga to'lgan ko'zlar;</i>
Кўрқув	Кўзлар катта-катта бўлади, лекин таҳдиднинг ҳеч қандай тафсилотини ўтказиб юбормаслик учун кўз қорачиғи кенг очилади.	<i>faire les gros yeux</i> – <i>ko'zlari katta – katta bo'lmoq;</i>
Муҳаббат	Кўзлар порлайди, кўзда кулгу пайдо бўлади.	<i>avoir les yeux de Chimène</i> – <i>oshiq bo'lmoq; shaydo bo'lmoq; faire les doux yeux</i> – <i>muhabbat ko'zlari bilan qaramoq; ko'nghini ovlamoq;</i>
Норозилик	Кўзлари қийиқ ҳолатда бўлади, қошлар чимирилиб, пешонада ажин пайдо бўлади, кўзлар олаяди, қовоқ уйилади.	<i>faire triste mine</i> – <i>norozilik bilan qaramoq; o'qrayib qaramoq, olaqarash qilmoq;</i> <i>faire des yeux</i> – <i>norozilik kayfiyatda qaramoq;</i>
Уят	Кўзлар пастга қарайди, бош эгилади, кўзлар олиб қочилади.	<i>baisser les yeux</i> – <i>yerga qaramoq;</i>

Кўз эмоционалликнинг турфа шакллари ўзида мужассам эта олади, хусусан, *қувонч, ғазаб, кўрқув, муҳаббат, норозилик, уят* кабилар шулар жумласидандир. Шунга кўра, кўзни *полиэмотсионал орган* сифатида талқин қилиш мумкин. Юқорида келтирилган французча ФБлар шубҳасиз фикримиз далили бўла олади.

Мимика – инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг турли ўй ва хатти-ҳаракатлари, тасаввури, хотирлаши, таажжуб ва ҳоказолар намоён бўлади. Табассум қилиш, жилмайиш, мийиғида кулиш, лабни қисиш ва чўччайтириш, тилни чиқариш, қош учириш, хуллас, турли психологик ҳолатларни, айниқса, ҳиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятли нутқ тури мимика ҳисобланади [Е.Ғ. Ғозиев: 316].

Мимиканинг асосий хусусиятларидан бири унинг яхлитлиги ва динамиклигидир. Бу шуни англатадики, олти асосий ҳиссий ҳолатнинг, яъни *ғазаб*, *қувонч*, *кўрқув*, *азоб-уқубат*, *ҳайрат* ва *нафрат* кабилар юз мушакларининг барча ҳаракатлари баробарида мувофиқлашади. Бундай мимик ҳиссиётлар Пол экман жамоаси томонидан кашф этилган ФАСТ* деб аталувчи метод орқали ўрганилиши анча мақсадга мувофиқдир. Унга асосан, юз горизонтал чизиқлар бўйича учта қисмга бўлинади, яъни 1) кўз ва пешона; 2) бурун ва бурун атрофи; 3) оғиз ва ияк атрофи [П. Екман, W.B. Фриесен, С.С. Томкинс: 37–38]. Шунга кўра, француз тилидаги мимик ҳиссиётларни ифодаловчи ФБлар таҳлил қилинганда, қуйидагича натижалар аниқланди:

Мимик ҳиссиёт турлари:	Кўз ва пешона қисмига доир ФБлар:
Муҳаббат	<i>faire les yeux doux à quelqu'un</i>
Қувонч	<i>défroncer le (s) sourcil (s)</i>
Ноз-карашма	<i>faire des mines</i>
Ғазаб	<i>faire les gros yeux</i>
Норозилик	<i>faire des yeux</i>
кўрқув	<i>avoir froid aux yeux</i>
Хафалик	<i>Avoir une mine renfrognée</i>
Нафрат	<i>faire grise mine à qqn</i>
	Бурун ва бурун атрофига доир ФБлар:
Норозилик	<i>avoir le nez sur quelque chose</i>
Уят	<i>le feu aux joues</i>
	Оғиз ва ияк атрофига доир ФБлар:
Ҳайрат	<i>être comme deux ronds de flan</i>
Ажабланиш	<i>faire le moue</i>
Афсусланиш	<i>s'en mordre les lèvres</i>
Розилик	<i>rire dans sa barbe</i>
Кўрқув	<i>claquer des dents</i>

Демак, кўз ва пешона қисмига доир ФБлар ижобий ва салбий ҳиссиётларни новербал тарзда бирдек ифодаласа, оғиз ва ияк атрофига доир ФБлар асосан, нейтрал ҳиссиётларни, бурун ва яноқ атрофига доир ФБлар эса салбий ҳиссиётларни ифодалашга хизмат қилади. Юқоридаги таҳлилдан шундай хулоса қилиш мумкинки, П.Екман методига кўра тақсимланган мимик ҳолатлар орасида асосан, кўз, бурун ва оғиз соматизмлари марказий ўринларда ҳаракатланади, шунингдек, кўз ва оғиз ўзининг динамиклиги боис турли эмоцияларни новербал тарзда ифодалашга хизмат қилса, бурун соматизми эса нодинамиклиги учун уларга нисбатан санокли эмоцияларни ифодалашга хизмат қилади.

* FAST – Facial Action Scoring Technique.

Гантика – тери реакцияси ҳам инсоннинг турли тактил* ҳис-туйғуларини новербал тарзда кўрсатиб кела олади. Масалан, тери рангининг қизариши ва оқариши каби ҳолатлар инсон эмоциясининг айрим кўринишларини ифодалай олади. Шунга кўра, французча ФБлар орасида худди шундай тактил ўзгаришларни намоён этувчи эмоционал ФБлар ҳам мавжуддир. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамыз:

Ҳис-туйғу:	Французча ФБлар:	Ўзбекча талқини:
Уят	<i>rougir jusqu'aux oreilles;</i>	қулоғигача қизариб кетмоқ;
	<i>avoir le rouge au front</i>	уятдан қизариб кетмоқ;
	<i>être rouge (rougir) comme une tomate</i>	қип-қизариб кетмоқ (помидордек);
	<i>rouge comme un homard</i>	қисқичбақадек қип-қизил;
Кўрқув	<i>être blanc comme un linge</i>	докадек оқариб кетмоқ;
	<i>être blanc comme un mort</i>	мурдадек оқариб кетмоқ;
Ғазаб	<i>se fâcher tout rouge</i>	ғазабдан қизариб кетмоқ.

Келтирилган бу мисоллардан кўриниб турибдики, тери рангининг фақат қизил ва оқ тусга кириши кишилар ички ҳис-туйғуларидан уят, кўрқув ва ғазаб кабиларни новербал тарзда ифодалашда анча сермаҳсулдир.

Пантомима – бу имо-ишоралар, тана ҳолати ва ҳаракатлари тили бўлиб, уларнинг аксарияти ўз-ўзидан содир этилади ва шу боис улар инсон онги томонидан бошқарилмайди. Худди шундай пантомимик ҳаракатлар орқали олти асосий ҳиссий ҳолатнинг, яъни ғазаб, қувонч, кўрқув, азоб-уқубат, ҳайрат ва нафрат каби туйғуларни тўлиқ намоён этиш мумкин. Француз тилида мавжуд эмоционал ФБлар айнан пантомимик хусусиятларга кўра тадқиқ этилганда уларнинг айримлари фақат кўрқув ва ҳайратни ифодалай олиши аниқланди. Масалан:

Ҳис-туйғу	Эмоционал ФБлар:	Ўзбекча талқини:
Кўрқув	<i>couper bras et jambes à qn</i> – бировнинг қўл-оёғини бўлмоқ;	оёқ-қўли титрамоқ;
	<i>jouer des castagnettes avec les genoux</i> – тиззалари билан кастагнет* чалмоқ;	тиззалари титрамоқ;
Ҳайрат	<i>être là comme une souche</i> – кўпикдек туриб қолмоқ;	донг қотиб қолмоқ;
	<i>rester comme une bûche</i> – тўнкадек қотиб қолмоқ.	донг қотиб қолмоқ.

Келтирилган мисоллардан маълум бўлишича, юқорида таъкидланганидек, қаттиқ кўрқувдан кишининг оёқ-қўллари дағ-дағ титраши ёки ўта ҳайратланиш натижасида киши ўз жойида лол қотиб қолиш ҳоллари инсон онги томонидан хоҳлаб бошқарилмайди.

Паралингвистика – бу нутқдаги уни безовчи, кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга

* Тактил сезги – латинча *tactilis* – сезиш, *tango* – тегиниш сўзларидан олинган бўлиб, ташқи таъсир натижасида тери юзасида содир бўладиган ўзгаришларни ҳис қилиш.

* *Castagnettes* испанларга хос иккита ёғоч унсурдан иборат музика асбоби.

ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шулар орасида просодик воситалар, яъни мулоқотнинг оҳанг, овоз (паст-баландлиги) ва тембр каби новербал воситалари мажмуи эмоционал мулоқотнинг асосий мезонларидан бири саналади. Г.Е. Крейдлин новербал мулоқотнинг просодик воситаларидан бири бўлган овозни биологик, психологик, физиологик, ижтимоий, миллий-етник ва маданий, стилистик ҳамда прагматик хусусиятларига кўра кенг таҳлил қилган ҳолда овознинг новербал мулоқотда тутган ўрни ва аҳамиятини батафсил тавсифлаган [Г.Е. Крейдлин: 584]. Овознинг тадқиқот объектимишга жуда яқин бўлган Г.Е. Крейдлин талқинидаги психологик хусусиятлари айнан эмоционалликни ифодалашга ёрқин мисол бўла олади. Масалан, тушкунликка тушган кишининг мулоқот оҳанги анча паст ва нутқ темпи жуда сокин ҳолатда бўлади. Агар киши роса ҳаяжонда бўлса ёхуд ғазабланса, ҳиссиётга берилиши натижасида, айниқса аёлларда овознинг титраши, овоз тонининг одатдагидан баландлаши ва ҳатто қичқириққа айланиш ҳоллари кузатилади. Бундай эмоционал ҳолат *бақирмоқ* ёки *қичқирмоқ* маъносидаги *ругир, соуффлер, мугир, гуеулер, хурлер* каби лексемалари билан ифодаланади. Француз фразеологиясида инсон руҳий тасвири новербал тарзда ономотопик феъллар ва уларга нисбатан қисман ёки тўлиқ мос келадиган ҳайвон номлари фаоллашуви билан амалга ошиши мумкин [Н.Н. Сувонова, Л.Б. Долиева: 77]. Бундай эмоционал ҳолатни француз тилида бир қатор ФБлар орқали ифодалаш мумкин. Уларнинг аксарияти образли ўхшатиш орқали ҳосил бўлади:

<i>rugir comme un lion</i>	<i>шердек ўқирмоқ</i>
<i>souffler comme un beuf</i>	<i>ҳўкиздедек бўқирмоқ</i>
<i>mugir de fureur</i>	<i>ғазабдан бўқирмоқ</i>
<i>gueuler comme un cochon</i>	<i>чўчқадек бақирмоқ</i>
<i>hurler de terreur</i>	<i>дахшатдан қичқирмоқ</i>

Инсон ахборот алмашиш жараёнида вербал воситалардан кенг фойдаланади, аммо овоз оҳанги, ритми орқали ҳам қўшимча ҳис-туйғуларни ифода этиши мумкин. Французча эмоционал ФБларда ҳис-туйғуларни паралингвистик воситалар орқали ифода этишда ҳайвонларга қиёс қилиш устувор ўринни эгаллайди.

Экстралингвистика – бу нутқдаги *пауза (сукунат)*, шунингдек, *йиғи, йўтал, хўрсиниш, кулиш, нафас олиш* кабиларни ўз ичига олади [19]. Новербал мулоқотнинг бундай экстралингвистик воситалари ўзига хос эмоционал ҳолатларни ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, *сукунат* хотиржамликни, турли хил *нафас олиш* ҳоллари ҳаяжон ва кўрқувни, *хўрсиниш* тушкунлик ва ғамгинликни, *кулиш* эса хурсандчиликни акс эттиради. Мулоқот жараёнидаги айнан *кулги* ва *йиғи* оппозицияси ички ҳис-туйғуларни амалий жиҳатдан кучли тарзда ифодаловчи экстралингвистик воситалар ҳисобланади. Француз тилидаги эмоционал ФБлар орасида ҳам ушбу вазиятга айнан мос келадиган фразеологизмларни кўплаб учратиш мумкин. Улар асосан *плеурер (йиғламоқ)* ва *rire (кулмоқ)* лексемалари орқали ҳосил бўлган ФБларда кўзга ташланади. Масалан:

Французча ФБлар	Ўзбекча талқини
Йиғи экстралингвистик воситаси орқали ҳосил бўлган ФБлар:	
<i>pleurer à chaudes larmes</i>	– қон йиғламоқ
<i>pleurer à gros bouillons</i>	– алам (ўкинч) билан йиғламоқ
<i>pleurer comme une fontaine</i>	– кўз ёшлари қуйилиб келмоқ
<i>pleurer comme une Madeleine</i>	– тинмай кўз ёш тўкмоқ
<i>pleurer comme une vache/ un veau</i>	– уввос солиб йиғламоқ
Кулгу экстралингвистик воситаси орқали ҳосил бўлган ФБлар:	
<i>rire à gorge déployée</i>	– хандон отиб кулмоқ
<i>rire à ventre déboutonné</i>	– қорнини ушлаб кулмоқ
<i>rire aux anges</i>	– хурсандлигидан жўшиб кулмоқ
<i>rire comme un bossu</i>	– овозининг борича кулмоқ
<i>rire comme un cul</i>	– аҳмоқларча кулмоқ

Келтирилган ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, қайғу ва қувонч зидлигига асосланган *йиғи* ва *кулги* эмоционал оппозитсияси ўз интенсивлик даражасига кўра энг юқори даражада, яъни, *ўта аламли йиғи* ҳамда *ўта самимий кулги* ҳолатида акс этган. Бироқ, фақат *кулги* эмоциясининг энг паст даражаси айрим французча ФБларда мавжуддир: *rire dans sa barbe* – мийиғида кулмоқ; *le sourire aux lèvres* – ним табассум; *esquisser un sourire* – кула бошламоқ; *avec le sourire* – табассум билан; ва ҳоказо. Йиғининг паст даражаси эса новербалликни ифодаловчи французча ФБлар орасида учрамайди.

Лингвистик воситалар билан бир қаторда мулоқотнинг оғзаки бўлмаган томонларини тўғри билиш бошқа маданият вакиллари билан самарали мулоқот қилиш имконини беради. Ахборотни етказиш қобилиятига кўра, новербал мулоқот воситалари вербал мулоқот воситаларидан устунликка эга эмас, аммо улар кўшимча маълумотни етказиш учун ажойиб восита бўлиб, кўпинча бутун хабарни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mehrabian A. Nonverbal Communication. -Chicago: Aldine-Atherton, 1972. -226 p.
2. Дарвин Ч. Выражение эмоции у животных и человека. –СПб.: Питер. 2001. -384с.
3. Монтегацца П. Физиогномия и выражение чувств. –Москва: Профит Стайл, 2011. -204с. <https://iknigi.net/avtor-paolo-mantegacca/80841-fiziognomika-i-vyrazhenie-chuvstv-paolo-mantegacca.html>
4. Фаст Дж. Язык тела. Пер. с англ., М., 1998. <https://avidreaders.ru/download/yazyk-tela.html> pdf, Hall E. The Silent Language. -New York: Anchor Books, 1959. -212 p.
5. Сафаров Ш., Тоирова Г., Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2007. – 39 б.
6. Крейдлин, Г.Е. Невербальная семиотика: Язык тела и естественный язык. – М.: Новое литературное обозрение, 2004. – 584с.
7. Лабунская В. А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). – Ростов-н/Д.: Изд-во Ростов. ун-та, 1986. -135 с.
8. Поваляева М.А., Рутер О.А. Невербальные средства общения. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. -352 с.

9. Карпова Ю.А. Средства выражения эмотивно-эмпатийного взаимодействия в условиях речевого общения. Вестник Пермского университета. Российская и зарубежная филология. 2011; № 4. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/sredstva-vyrazheniya-emotivno-empatiynogo-vzaimodeystviya-v-usloviyah-rechevogoobscheniya>

10. Куличенко Ю.Н., Королевская Е.М. Сопоставительная характеристика русских и английских жестовых фразеологических единиц. Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2017; № 2-1 (68). Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/sopostavitelnaya-harakteristika-russkih-i-angliyskih-zhestovyh-frazeologicheskikh-edinit>

11. Altrov R. Aspects of cultural communication in recognizing emotions. TRAMES, 17 (67/62), 2, 2013. –P. 159-174. doi: 10.3176/tr.2013.2.04]

12. Пронников В.А., Ладанов И.Д. Язык мимики и жестов. -М., 1998. С.14. / – 212 с.

13. Лабунская В.А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход) // Социальная психология: Хрестоматия: Учебное пособие для студентов вузов/Сост. Е. П. Белинская, О. А. Тихомандрицкая. – М: Аспект Пресс, 2003.– С. 74 – 94.

14. G'oziyev E .G'. Psixologiya. -Toshkent: "O'qituvchi" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. -352 b.

15. Ekman P., Friesen W.V., Tomkins S.S. Facial Action Scoring Technique (FAST): A first validity study. Semiotica, 1971, 3(1): 37–58.

16. Турмухамедова О. Онг ости сирлари. -Тошкент: Янги асп авлоди, 2017. -64 б. <http://e-library.namdu.uz/>

17. Невербальное общение. <http://kursk-rost.ru/wp-content/uploads/2020/11/pdf>

18. Сувонова Н.Н., Долиева Л.Б. Description of Human Spirituality in The Phraseological Units With French Onomatopoeic Verbs // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. – № 2 (31). – Б. 65–79. / https://journal.fledu.uz/wp-content/uploads/sites/3/2020/05/nigorabonu_nizomiddinovna_suvonovafledu-3.pdf

19. Poyatos F. Language and nonverbal systems in the structure of face-to-face interaction / Language & Communication. Volume 3, Issue 2, 1983, -P. 129-140 <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/0271530983900101>

20. Ashurov S. S., Suvonova N. N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of "White" Colour (in the example of the French and Uzbek languages) //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 9550–9560.

21. Долиева Л, Psychophysiological Factors, Particular to Somatic Phraseologisms as The Objects of Emotive Description (in French material) //Международный журнал языка, образования, перевода 3 (1).-2022.-Б.39-54.

22. Sindarov F. Expression of Human Appearance In Phraseological Units With Zoonym Component// Science and Innovation, 2022. P.1070-1074.